

АМИР ТЕМУР ВА АМИР ҲУСАЙН ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР КУМУШКЕНТ СУЛҲИ МИСОЛИДА

Адхамжон ХАКИМОВ

тадқиқотчи

Фарғона давлат университети

Фарғона, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада Амир Темура ва Амир Ҳусайн ўртасидаги 1368 йили бўлиб ўтган ҳокимият учун кураш воқеалари таҳлил этилган. Тадқиқот давомида Амир Темура ва Амир Ҳусайн ўртасидаги Кумушкент сулҳининг тузилиши сабаблари ва унинг оқибатлари тарихий манбалар ва илмий адабиётларда билдирилган фикр ва мулоҳазалар орқали таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: Амир Темура, Амир Ҳусайн, Амир Баҳром, Амир Кайхусрав, Амир Мусо, Амир Ўлжойту, Самарқанд, Кеш, Туркистон, Хўжанд, Тошкент, Алиобод, Кумушкент.

ВЗАИМООТНОШЕНИЯ МЕЖДУ АМИРОМ ТЕМУРОМ И АМИРОМ ХУСЕЙНОМ НА ПРИМЕРЕ ЗАКЛЮЧЕНИЯ КУМУШКЕНТСКОГО МИРА

Адхамжон ХАКИМОВ

исследователь

Ферганский государственный университет

Фергана, Узбекистан

Аннотация

В данной статье анализируются события борьбы за власть между Амиром Темуrom и Амиром Хусейном в 1368 году. В ходе исследования были проанализированы причины заключения Кумушкетского мира между Амиром Темуrom и Амиром Хусейном и его последствия через исторические источники и мнения, высказанные в научной литературе.

Ключевые слова: Амир Темура, Амир Хусейн, Амир Баҳром, Амир Кайхусрав, Амир Муса, Амир Олджойту, Самарқанд, Кеш, Туркестан, Ходжент, Ташкент, Алиабод, Кумушкент.

Амир Темура Қарши жангидаги Амир Ҳусайннинг Мусобек бошчилигидаги лашкари устидан ғалаба эвазига ўз қўшинини қайта ташкил этишга эриша олди. Унинг бутун мамлакат бўйлаб тарқалиб кетган аскарлари яна қайта тўпландилар. Лекин барибир ҳали Амир Ҳусайннинг мавқеи Мовароуннаҳрда кучли эди. Қолаверса йирик бекларнинг аксарияти гоҳ Амир Темура, гоҳ Амир Ҳусайн томонига ўтиб кетишлари вазиятни кутилмаганда ўзгариб кетишига олиб келарди. 1367 йили Амир Ҳусайн Амир Темурни узил-кесил тор-мор этиш учун катта юриш бошлади.

Мовароуннаҳрдаги кўпгина беклар яна хиёнат йўлига кириб бирин-кетин Амир Ҳусайн томонига ўтиб кета бошладилар. Бу ҳақда Шарофуддин Али Яздий шундай ҳикоя қилади: “...Арғуншоҳ Будаалиғийким хабар билғали бориб эрди, келиб бир кишини ўзи била олиб келтурди. Ул кишидин хабар сўрдилар, юкуниб жавоб бердиким, “Ўлжайту ва Пўлод Буға Тўм суйиға етиб турурлар ва Ҳусайнбек черик билан Қаршиға тушти”. Ҳазрат Соҳибқироннинг савоб раъйиким тафриқ сайқалидин яруқ бўлғон эрди, маслаҳатни андоқ кўрдиким, неча кун рўзғор била чиқишмоқ керак, то маҳал еткайким душманларни ўзининг муроиди била эликка кижургай. Бу сабабдин хар черикким, Кеш вилоятидин жам’ этиб эрди, ижозат берди ва олти юз киши биланким Хуросон вилоятидин анинг била келиб эрди, Самарқанднинг сув қуйи сори юрди” [5;53-54]. Бу воқеа Муиниддин Натанзий томонидан ҳам қайд этилган: “Султон Ғозий у ердан Соғарж ва Сарипулға жўнаб кетди ва лашкар йиғмоққа машғул бўлди. Нагоҳ амир Ўлжойту ва Пўлодбуғо катта лашкар билан етиб келаётгани маълум бўлди. Султон Ғозий улар келганидан ҳайратга тушганида, ногоҳ Султон Ғозийнинг зараридир Тузакнинг иниси Тоғайшоҳ қочиб келиб, қуйидагиларни айтиб берди: “Манғлой лашкарига амир Ўлжойту ва Пўлодбуғо бош бўлиб келишган ва кечаси сездирмасдан келиш учун шу яқинда пистирма қуришган. Амир Ҳусайн ўзи бошқа амирлар ва қолган лашкар билан ғул ясаб изма из келмоқда. Амир Мусо ва Учқарога эса йўлларни тўсишни тайинлашган”. Султон Ғозий вазиятдан воқиф бўлгач, тарқоқ ва ёрдамчи лашкарини тарқол қилиб, ўзи қўл остидаги олти юз содиқ жангчи билан Самарқандга отланди ва маҳаллалар тагидан шабгир қилиб ўтиб, Туркистонга жўнади” [1;82].

Вазиятни ўрганиб чиққан Амир Темур Хўжанд ҳокими Баҳром жалойирдан ёрдам олиш мақсадида Мовароуннаҳрнинг шарқи томон чекинди. 1366 йили Хўжанд вилоятидаги Мусабек ва Али Дарвешбекка қарши Баҳром жалойирни ўзининг бир неча ишончли беклари Жакубек ва Аббос баҳодирлар билан жўнатган эди. Баҳром жалойир вилоятни қўлга киритиб олгач, Темурбек қошига қайтмаганди. Жакубек ва Аббос баҳодир

эса Баҳром жалойир аҳдига вафо қилмаслигини ўша вақтдаёқ тушуниб етган бўлиб, Амир Темурни ундан умид қилмасликка чақирди.

Амир Тумур ва Ҳусайнларнинг Мовароуннаҳр тахти учун ўзаро курашидан Баҳром жалойир яхши фойдаланди ва у Тошкент, Сайрам ва Фарғона вилоятларини ўз қўлига киритиб, катта кучга эга бўлди. У Амир Темурни яхши кутиб олмади, унга ҳеч қандай ёрдам бермади. Ҳатто мезбонлик удумларини ҳам бажармади. Аксинча, Темурбек оиласига тегишли бўлган Тошкент вилоятидаги бир неча кичик мулкларнинг даромадини ҳам тортиб олди. “Амир Соҳибқиронга нисбатан муносиб хизматни бажо келтирмади. Озиқ-овқат ва отларга ем-хашак юбормади, Амир Соҳибқироннинг хоссаи шарифи бўлган мавзеларни подшоҳ учун мол ундираман деган баҳона билан ўз тасарруфига олди. Ҳолбуки ўрталарида қадимдан дўстлик ва қариндошчилик нисбати бор эди. Амир Соҳибқироннинг мувофиқатчилигида икки марта подшоҳ ва амирларга душман бўлиб, унга ёрдам беришга астойдил интилганди. У яхшилик ҳақини унутиб унга вафо қилмади” [4; 68].

Бу ҳолат Амир Темурбекга жуда ёмон таъсир қилди. Аслида 1366 йили Баҳром жалойир ва Шер Баҳромларнинг гижгижлаши, биргаликда курашиш тўғрисидаги ваъдалари туфайли Амир Ҳусайнбекка қарши кураш бошлаган эди. Улардан Шер Баҳром низо бошланиши билан очикдан-очик Амир Ҳусайнбек томонига ўтиб кетди. Кўп ўтмай Амир Ҳусайнбек томонидан ҳам хиёнатда айбланиб қатл этилди. Баҳром жалойир эса Амир Темур ёрдамида вилоятга эга бўлгач, унинг ҳақини унутди. Бугун эса ҳатто етарлича ҳурмат бажо келтиришни ҳам лозим топмади.

Бу вақтда Амир Ҳусайн Мусабекни йигирма минг лашкар билан Тошкент сари жўнатди. Унга Амир Темур масаласига бутунлай барҳам бериш вазифаси топширилган эди. Улар рақибнинг тўсатдан қилинадиган хужумларидан чўчиб, учта ҳарбий қисмни илғор сифатида илгари жўнатдилар. Улар уч йўл бўйлаб олдинга юриб, асосий қўшинни ҳимоя қилиб боришлари керак эди. Уларнинг бири Малик Баҳодир раҳбарлигидаги

уч минг кишилик, иккинчиси Жаҳоншоҳбек бошчилигидаги 1500 кишилик, Хирманбек қўмондонлигидаги 1000 кишилик гуруҳлар эди.

Бу вақтда Амир Темур қўли остида 500 навкар бор эди. У рақибларнинг илғори бўлинганлигидан самарали фойдаланишга қарор қилди. У аскарлари руhini кўтариб, дадиллик билан ўзи Сирдарёга от солди. Ортидан бирин-кетин бошқа аскарлар ҳам дарёни кечиб ўта бошладилар. Узоқдан душман кўриниши билан тепалик ортига беркиниб, рақибни кузата бошладилар. Яқинлашиб келаётган гуруҳ Жаҳоншоҳбек бошчилигидаги аскарлар эди. Улар кеч тушиб қолганлиги учун йўл бўйида тўхтадилар ва тунни шу ерда ўтказишга қарор қилдилар. Амир Темур тезда бу ердан узоқлашишни буюрди. Душманлар атрофни кўздан кечириб, кўнгиллари хотиржам бўлгач, бежавотир дам олишга тушдилар. Амир Темур ўзларидан уч марта кўп бўлган душманга қарши тунги ҳужум – шабихун тактикасини қўллашга қарор қилди. Аввалига овоз чиқармай, секин-аста рақибга яқинлашиб келинди. Сўнгра ҳамма баравар шовқин солиб, душман устига ёпирилдилар. Ҳужумнинг энг аввалида Амир Темур борди.

Жанг тугаши билан Амир Темур аскарларга дам бермай, уларни Хирманбек бошчилигидаги 1000 кишилик душман гуруҳи томон бошлади. Шу Жаҳоншоҳбек гуруҳидаги шабихунга учраган жангчиларнинг бир нечаси қочиб бўлиб ўтган жанг хабарини Хирманбекка етказган эди. Шу сабабли у гуруҳдаги аскарларда ваҳима бошланди. Улар Амир Темур аскарлари узоқдан кўриниши билан бор мол-мулкани ташлаб қоча бошладилар. Душман узоқ таъқиб этилмади. Чунки аскарлар жуда чарчаган эди. Амир Темур барчага ҳордиқ чиқариш учун рухсат берди.

Лекин бу дам олиш узоқ давом этмади. Амир Темур душманнинг учинчи гуруҳига тезда ҳужум қилиш зарурлигини яхши тушунгани учун икки юз нафар аскарни саралаб олди ва улар билан душманнинг Малик бошчилигидаги уч минг кишилик гуруҳи томон йўналди. Душман қораси узоқдан кўриниши билан Темурбек аскарларини бир неча гуруҳларга бўлди. Ўттиз кишига тўғридан-тўғри ҳеч бир ҳайиқмасдан душман устига

ёпирилишни, беш кишилик икки гуруҳга эса ўнг ва чап томонларни каровуллаб боришни буюрди. Ўзи эса 160 киши билан бироз аввал йўлга чиқиб, душман карвонини айланиб ўтиб, орт томондан ҳужум қилишни мақсад қилди. Малик Баҳодирни Амир Темурнинг 30 нафар аскарлари ўзларининг устига ҳеч ҳайиқмай бостириб келаётгани таажжубга солди. Унинг аскарлари ҳам ўзларидан 100 баравар кам бўлган бу аскарларни ҳайрат билан кузатардилар. Шу вақтда ён томондан ва ортдан Амир Темурнинг ўзи бир гуруҳ аскарлар билан пайдо бўлди. Малик баҳодир душманни кўп сонли тахмин қилиб, қуршовга тушиб қолмаслик учун чекинишни буюрди. Чекиниш эса бир зумда тартибсиз қочишга айланди. Амир Темурнинг бир кунда уч жангни ғалаба билан яқунлаганлиги у ҳақидаги миш-мишларнинг янада кўпайишига сабаб бўлди ва душманлари қалбидаги ваҳималарни кучайтириб юборди.

Учта илғор гуруҳининг тўла тор-мор этилгани Мусабек ва унинг ёнидаги бекларни ҳам чўчитиб қўйди. Улар Ҳусайнбекка мактуб юбориб, Самарқандда мудофаага ўтиб олдилар. Натижада кўп ўтмай, аниқроғи 1368 йили Амир Ҳусайн сулҳ тузишга рози бўлди. Бу сулҳ воқеасини Муинидин Натанзий қуйидагича ҳикоя қилади: “Шу ҳол асносида амир Ҳусайн тарафдан лашкар келаётгани ва яқинлашиб қолгани хабари келди. Султон ғозий қўл остидаги олти юз суворий билан уларнинг йўли бошига юрди ва яқдиллик билан (қуйидагича) қасамёд қилишди: “Ҳаёт ва мамотда бир жону бир тан бўлиб, то қиёмат кунигача жабру зулмлардан бир-биримизни ҳимоя қилишга аҳд қиламиз”. Аҳиллик билан гапни бир жойга қўйгач, йўлга тушиши ва Али Ота марқади жойлашган Камашқда мустаҳкам қароргоҳ қуришди. Амир Ҳусайн лашкари Алиободга етиб келди. Амир Ўлжойту ва амир Мусо шундай пайғом юборишди: “Амир Соҳибқирон юз киши билан келсин ва биз ҳам юз киши билан бориб мулоқот қиламиз ва бир сўз билан сулҳ ишини битирамиз”. Султони Ғозий икки юз киши билан ваъда қилинган жойга борди ва улар айтганларига мувофиқ юз киши билан келишди. Султон Ғозийнинг баъзи баҳодирлари яна бир бор разиллик билан иғво ва фисқу

фасод оловини ёқиб дейишди: “Душманлар бундай ўз оёғи билан келиб қопқонга тушган пайтда фурсатни ғанимат билиш керак. Булар устидан фатҳу зафар қозонганимиздан сўнг амир Ҳусайннинг иши нима билан тугаши равшандир”. Амир Соҳибқирон моне бўлди ва розилик бермади. Алқисса, амирлар мулоқот қилишди ва ҳар икки тарафдан ҳозир бўлганлар жонқуярлик қилиб, фитна ғуборини кўз ёши билан ювишди. Сўнгра отланиб, амир Мусо уйига келиб тушишди. Ҳар икки тараф лашкарини тарқол қилишгач, амир Соҳибқирон Шаҳрисабзга жўнади” [1;86].

Низомиддин Шомий талқинида ҳам воқеалар шу каби ривожланганини кўришимиз мумкин: “Бундан олдин Панжшанба исмли бир кишини Амир Ҳусайн томонига элчи сифатида юборган эди. Қойнор ва Шақшорда унга мунтазир бўлиб турди. Амир Ҳусайн жанг қилмаслик ва сулҳ тузиш борасида қасамиёд қилиб, аҳду паймон қилибунни таъкидлаш учун Туроншоҳни Панжшанбага қўшиб юборди. Амир Соҳибқирон ўз ҳузурига олиб келишлари учун амир Мусо ва Ўлжойтуни ўн минг киши билан жўнатди. Улар Кўмишкантгага Алиато мазорига келиб тушдилар. Амир Соҳибқирон эса Алиободга тушган эди. Ўртада элчилар бориб келгач, ҳар бирлари юз киши билан келиб мулоқот қилишга келишдилар. Бир-бирларига яқинлашган вақтда амир Соҳибқироннинг навкарлари улар устидан ғолиб келишни истаб: “Унинг забардаст ва таниқли амирлари шу тўдага келибдилар, уларни йўлимиздан улоқтириб ташласак, бизларга қарши туришга куч-қуввати етадиган ўзга ишиси қолмайди”, дедилар. ...Амир Соҳибқирон бу ҳолдан ҳабдор бўлгач, ўз кишиларини қойиб деди: “Аҳду паймон дин арконининг бир рукнидир. Қайси подшоҳ дин арконларига риоя қилишда сустлик қилса, унинг давлати доимо тебраниб ва чайқалиб туради. Халойиқ қайси маликнинг бузилмас аҳду паймонига ва вафосига суянса, унинг мулки доимо обод, лашкари кўп бўлади”. Алқисса икки томон лашкари бири бири билан учрашиб, аҳду паймонни янгидан туздилар. Амир Соҳибқирон амир Мусо ўтовига келиб тушди. Ваҳшату жафо улфату сафога айланди. Лашкарга ижозат бериб, ортларига қайтардилар. Амир Соҳибқирон

Кеш томонга жўнади” [4;72-73]. Хондамир ҳам ушбу сулҳ ҳақида маълумот берган. Лекин унинг маълумотида жой номи аниқ келтирилмаган [3;66]. Шарафуддин Али Яздий эса воқеаларни батафсил баён этганлиги учун унга тўлиқ тўхталишни баён этишни лозим топмадик. Фақатгина унда сулҳ тузилган ҳудуд Кумушкент номи билан берилган [5;58].

Шунинг учун ҳам бу сулҳни Кумушкент сулҳи деб аташ тўғри бўлади. Бу сулҳ Амир Темурнинг куч ва қудратини Амир Ҳусайн томонидан расмий равишда тан олинishi эди. Амир Темур кўп ўтмай ўз куч ва қудратини ошириб борди ва амир Ҳусайнни бутунлай мағлуб этиш имконига эга бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Натанзий, Муиниддин. Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний. / Форс тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Гулом Каримий. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 264 б.
2. Усмонов Б.А., Аҳмаджонов М.Т. Амир Темурнинг Марказлашган давлат барпо этиш сиёсатига қарши курашда жалойир қабиласининг тутган ўрни //Ижтимоий фанларда инновация. Т.2., 2022. – №. 10. – Б. 114-118.
3. Хондамир, Гиёсиддин. Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар / Форс тилидан таржима, муқаддима муаллифлари Жалил Ҳазратқулов, Исмоил Бекжонов. Изоҳлар муаллифлари Ашраф Аҳмедов, Исмоил Бекжонов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 1272 б.
4. Шомий, Низомиддин. Зафарнома /Форс тилидан ўгирувчи Й.Ҳақимжонов, таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир А.Ўринбоев. Изоҳлар ва луғатларни тузувчи Ҳ.Кароматов. Жуғрофий номлар изоҳи О.Бўриев тайёрлаган. Ҳофизу Абруни «Зафарнома»га ёзган «Зайл»и («Илова»)ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларини тузувчи О.Бўриев. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 528 б.
5. Яздий, Шарафиддин Али. Зафарнома. /Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А.Аҳмад ва Ҳ.Бобобеков. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 384 б.